



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига

ТИЛИ СОДДА, УСЛУБИ РАВОН, МАЗМУНИ ТЕРАН

Юртимиз қадимдан давлатчилик анъаналари қарор топган тарихий ҳудудлардан биридир. Куч-қудратни адолатда деб билган соҳибқирон Амир Темурнинг улкан тажрибаси ва теран ақл-заковати маҳсули сифатида яратилган "Темур тузуқлари" қудратли салтанатда ва кейинчалик теурийлар давлатида қатъий тартибот дастури ўлароқ хизмат қилгани ва шунинг учун ҳам дунё давлатчилиги тарихида алоҳида ўрнига эгаллигини жаҳон тафаккур аҳли муносиб равишда эътироф этмоқда. Дарҳақиқат, теурийлар давлатчилиги юртимизда нам-фан, маданият, адабиёт ва санъатнинг, маънавий ва маърифатнинг юксалишига, шу қутлуғ юрт заминидан дунё илми ва бадияти ривожига бемисл ҳисса қўшган не-не аллодаларнинг етишиб чиқишига имконият яратганлиги бутун ҳеч кимга сир эмас.

Таассуфки, яқин ўтмишимизда, бир асрдан ортиқ давом этган истибдод замонида минг йиллик давлатчилик анъаналари мавжуд бўлган ўлкага мазмун-моҳияти қарамликка қаратилган, шаклу шамоийли эса "тенглик"ни, "меҳрибончилик"ни иддао қилишдан иборат бўлган "икки юзлама" қонунлар тиқштирилди. Бу қонунларнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам ҳўжанинг қулга, қўлнинг ҳўжага муносабатини "ёғли чалпақларга ўраган" ҳолда қондалаштирди, қонунлаштирди. Не бахтки, халқимизнинг

асрий орзулари рўёби бўлмиш истиқлол ҳийлаи шаръий йўсинидаги бу доғули қонуну қондаларнинг барчасини одил тарихнинг қаърига итқитди. Бугун бизнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос, мустақил Ўзбекистон давлатимиз ва эркин фуқаролик жамиятимиз тартиботининг тамалини тайин этувчи Бош Қонунимиз бор. Мамнуният билан айтиш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимиз парламенти 7 конституциявий қонун, 15 кодекс, 600 дан зиёд қонунни қабул қилди.

200 дан ортиқ кўп томонлама халқаро шартнома ратификация қилинди ва шу тариқа Асосий Қонунимизни амалга оширишнинг ахлит ҳуқуқий механизми шаклланди.

Авалло, Асосий Қонунимиздаги тавсиф, баён тилининг муҳим бир хусусиятини, хусусан, услубан бениҳоя пухта ишланганини, фикрлар мантиқий изчил, жумлалар равон ва аниқ эканини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Яхлит матннинг умумий синтактик манзарасида қўшма гапларнинг эмас, балки содда гапларнинг фаоллиги фикрнинг осон ва энгил, энг муҳими, тўғри ва аниқ идрок қилиниши учун қўлай имконият яратади.

Мисол тариқасида Конституциямизнинг "Муқаддима" қисмини олиб кўргандаёқ бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу қисм ярим саҳифадан иборат бўлса-да, аслида битта содда гапдан ташкил топган. Бу гапнинг асосий синтактик синчи Ўзбекистон халқи Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади, деган мазмунда бўлиб, унинг қабул қилиниш тарзи (инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб; ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда; ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб;

Давоми иккинчи саҳифада.

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун



МУҚАДДАС ВАТАН РАМЗИ

Телевизорда спортчиларимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, маҳжиямиз янграб қолса, олти ёшли ўғлим диққатиб ўрнидан туради-да, "Байроғимиз кўтарилиб, маҳжиямиз янграганда, мана бундоқ туриш керак", дейди жажжи қўлини кўксига қўйиб. Унинг Ватан тимсолларига доир тасавури ҳали жуда содда, самимий, албатта. Бироқ ёш вужудда Ватанга ҳурматда бўлиш, уни доимо азиз билиш туйғуси болалар боғчасидаёқ шакллана бошлаганидан севинаман.

Ер шарида икки юздан ортиқ мамлакат бор. Уларнинг ҳар бири ўзининг байроғи, герби

ва маҳжиясига эга. Не бахтки, истиқлол туфайли биз ҳам шундай чинакам шарафга, давлатимизнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсолларга эга бўлдик.

Бугун Ўзбекистонни, унинг давлат тимсолларини дунё билади. Халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган давлатимиз байроғи у иштирокчиси бўлган нуфузли халқаро ташкилотлар қароргоҳларида, хорижий мамлакатлардаги элчихоналаримиз ва ваколатхоналаримиз пештоқларида ҳилпираб турибди. Байроғимиз тасвири туширилган замонавий ҳаво кемаларимиз Ўзбекистон номини сайёрамиз узра намён қилмоқда...

Давоми иккинчи саҳифада.

"НАЗМ ВА НАВО" КЕЧАСИ

Таабир

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида "Истиқлол" санъат саройида бўлиб ўтган "Назм ва наво" кечаси ана шундай тадбирлардан биридир. Анжунимани Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиқдин Сайид оқди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир

шеърлари асосида яратилган қўшиқлардан тузилган концерт дастури адабиёт ва санъат байрамга айланди. Соз ва сўз уйғунлиги адабиёт ва санъатга ихлосманд кўнгилларга сурур бахш этди. Э сўзи, ўз овозига эга шоирнинг "Ватан", "Она", "Ўзбекистон", "Момо ерим", "Ота уйнинг файзи" каби ўнлаб қўшиқлари эл

Мунаввара УСМОНОВА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги муносабати билан республикамиз шаҳар ва қишлоқларида, таълим муассасалари ҳамда корхона ва ташкилотларда Бош Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини, унинг жамиятда юз берётган ўзгаришлар ва қўлга киритилаётган ютуқларнинг асосий омилли эканини тарғиб этиш мақсадида маънавий-маърифий анжуманлар, адабий учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Хонанданинг асл овоз имкониятлари, мусиқани ҳис этиши, нола ва қочиримларни қачон ва қандай ишлаштириш, яъни унинг ҳақиқий санъаткор сифатидаги қиёфаси фақат жонли ижро жараёнидагина намён бўлади. Шу сабабли техника ривожланган, замонавий овоз кучайтиргич ва овоз созувчи техникаси кенг қўлланаётган бугунги кунда муҳлислар орасида жонли ижрода қўйловчи хонандаларни тинглашга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Таабир

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "ТетраGroup" компанияси ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида ўтказилаётган бу фестивалда шу вақтгача эллика яқин ёш хонанда ўз маҳоратини намойиш этди. Фестивал лавреатларидан Шерзод Ортиқов, Эътибор Отажонов ва Умида Хўжаевага имтиёзли лицензиялар берилди. Яқинда "истиқлол" санъат саройида илк бор "Марди майдон" жонли ижрода қўшиқлар фестивали совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида "Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним", деб номланган концерт бўлиб ўтди.

САҲНАДА "МАРДИ МАЙДОН" ПАР

Назаримизда, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган қўшиқчилар ўртасида ҳам жонли ижрога қизиқиш ортган. Айниқса, истеъдодли ёш хонандаларнинг аксарияти бугун тингловчини шунчаки хиргойи билан алдаб бўлмаганини тушуниб, ўзларининг овоз имкониятларини кенгайтириш, имкон қадар жонли ижро билан муҳлислар қалбига йўл топиш борасида изланмоқдалар. Ана шу изланишларга қўмақлаштириш, ёш истеъдодларни кенг жамоатчиликка таништириш, уларнинг профессионал малакасини ошириш, катта сахналарда санъатларини намойиш этишлари имкон яратиш мақсадида икки йилдан буён "Марди майдон" жонли ижрода қўшиқлар фестивали ўтказиб келинмоқда.

Дастур Фарход Абдуллаев ва "Истиқлол" оркестри ижросидаги "Бахтиёр кунлар" мусиқаси билан бошланди. Бугун концерт давомида оркестр хонандалар ижросига жүр бўлиб турди. Гала-концертда Абдурашид Йўлдошев, Рушана Аҳмадхўжаева, Ойбек Тўхтаев, Шерзод Набишўжаев, Милена Мадмусаева, Камол Иқболлов, Эътибор Отажонов, Марат Солиқов, Амира Алибекова, Шоҳжаҳон Жўраев, Рухона, Умида Хўжаева, Хилола Хўжаева, Шерали Бекмуродов, Жаҳоҳир Ҳасанов, Сардор Мамадалиев, "Эл-ДиДо", "Дурдона" гуруҳлари билан бирга Тошматов, Гулсанам Мамазоитова, Ҳосила Раҳимова, Зиёда Қобилова, Жаҳонгир Отажонов каби таниқли хонандалар иштирок этди.



Ўз ахборотимиз

ШЕЪР — БОРЛИК ВА ЙЎҚЛИК ОРАСИ

Ўқуд аарёсини топган ва топётган црмоқлар

Биз яшаётган даврнинг бадиий адабиётга бевосита алоқадор биринчи белгиси шуки, у мафкуравий таъйиқдан йироқ. Умуман олганда, жамиятда бунга эҳтиёж сезилмайди. Бироқ айна шу имкониятнинг залворли юкини кўтарган бор, кўтара олмаган бор. Натижада овоз бўлгани билан айрим шоирларимизнинг ёзган шеърларини диққат билан кузатганимизда, бадиий тафаккурдаги силжиш нуқтаи назаридан ўтган асрнинг 60- ва 70-

йилларниқидан кўп-да узоққа кетолмаганини англаймиз. Ўзгариш, ўсиш бор, албатта. Бироқ бу ўринда гап ўсиб-ўзгаришнинг даражаси ва салмоғида. Агар масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, дадил айтиш мумкинки, кейинги қарийб 20 йил мобайнида мамлакатда юз берган сиёсий-тарихий, иқтисодий-маданий, маънавий-руҳий маънодаги оламшумул ўзгаришлар, ёш истеъдодларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга дав-

Маданият ҳаёт

"Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига биноан "Ўзбекфилм" киностудиясида "Сой қўшиғи" номли тўлиқ метражли бадиий филм суратга олинди. "Мустаҳкам оила йили"га

бағишланган мазкур филм режиссёри Фахриддин Шамсиматов, сценарий муаллифлари Игор Блиндарёв ва Шароф Бошбеков. Картинада бугунги кунда фарноза заандларимизнинг компютер ўйинларига қизиқиши ортиб бораётгани мисолида баъзи ҳолларда бу ўйинларнинг болалар руҳиятига салбий таъсири тўғрисидаги воқеа-ҳодисалар тасвирланган. Бош ролларни Абдуғафур Исахонов, Баҳоидир Нишонов, Хуршид Тўхтаев, Муштарий Алимжонов, Юлдуз Ҳамидова, Нигора Каримбоева ва бошқа актёрлар ижро этган.

"Туркистон-пресс"

Давоми тўртинчи саҳифада.

МАЪРИФАТ ЗИЁСИ



Бадий ижодда истеъдод қадрланади. Истеъдод эгаси ёзган шеърлар, дostonлар, ҳикоя ва романлар, албатта, ўз услуби билан алоҳида ажралиб туради. Худди шунингдек, адабиётшуносликда ҳам истеъдодлар ўз сўзи ва илм йўлига, ўз услуби ва назарий қарашларига, ўз позицияси ва мактабига, маслакдошларига, устоз ва шогирдларига, умуман, ўзининг ижод оламига, бетақрор ижодий биографиясига эга бўлади. Профессор Бегали

Қосимовнинг адабий-ижодий, илмий-педагогик фаолиятига назар ташланганда, маъмур сифатларнинг аксариятига гувоҳ бўлиш мумкин. Зотан, олимнинг умр йўли, ижодий фаолиятини кузатсақ, илм-маърифат кишиши, агар чин дилдан истаса қисқа вақт ичида ҳам улкан ишларни амалга ошириш мумкинлигига гувоҳ бўламиз. Б.Қосимовдан қолган саломақли илмий-адабий мерос шундай хулоса чиқаришга имкон беради.

У мумтоз адабиёт деб аталмиш азим денгиз мавжларини нозик хис қила олган, бу денгиз тубидаги жавоҳирлар қонига қадар шўнгиш ва топилдик лаззатини туйиш шарафига ноил бўлган катта адабиётшунос эди. Б.Қосимовнинг Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Яссавий, Атойи, Саккокий, Лутфий, Фузулий, Бобур, Машраб, Турди Фароғий, Оғаҳий каби шарқ мумтоз адабиётининг фахри бўлган ўнлаб адиблар ҳақидаги тадқиқотларида юқоридаги фикримиз учун етарли асос бор.

каби тадқиқотлари шундай фикрга келишимиз учун тўла асос беради. Садоқатли, оқибатли бу инсон устози профессор Ф.Каримов ҳақида бир эмас, бешта мақола ёзгани устоз-шогирд муносабатларида ибрат тимсолидир. Бу мақолалар орасида, айниқса, "Умр мазмуни" деб номланган тадқиқотни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу мақола орқали ўқувчи устоз Ф.Каримов шахсияти, илмий фаолияти, илмий-назарий асарлари тарихига доир аниқ, мантикли хулосаларга бой, яхлит маълумотга эга бўлади. Б.Қосимовнинг Абдулла Орипов шеърини таҳлил қилган мақолалари жамлаб қаралса, ушбу тадқиқотлар ҳам поэтика, ҳам миллий маънавият тарихи, ҳам фалсафийлик, ҳам хронологик жиҳатдан бир бутун тизимга эга экани маълум бўлади. "Абдулганининг шеърлари, — деб ёзади Б.Қосимов, — замоннинг ҳар қандай синовларига жавоб бера олади. Гап шундаки, у ҳатто шўро замонида ҳам инсоният мудом излаётган адабий ҳақиқатни рамалар, тимсоллар воситасида айта олди. Шоир ушбу ҳақиқат мазмун-маъносини идрок ва талқин этар экан, мутлақо оригинал усул ва йўллар билан иш қўради. Кўпинча инсон руҳининг камалакдек рангин холатларидан келиб чиқади". Устоз Б.Қосимовнинг "Ҳазрат Рауф Рафиқ ҳақида" 70 йиллардаёқ ёзган мақоласида шоирнинг "Самарқанд осмонида", "Чўли ирок", "Ёмғир ёғар..." каби шеърларини ўткир поэтик дид, фундаментал назарий қарашлар негизиде ўта нозик таҳлил этиб, шундай хулосани илгари суради: "Шоир оз сўз билан кўп фикр англатишга уринади. Бу ҳол сўзнинг барча маъно ва имкониятларини ишга солишни талаб қилади. Натижада биз одатланган грамматик қурилишлар бузилса, бизга нотаниш тамсил ва тафсиллар пайдо бўлади. Бу ерда ассоциация, бирор сўз ёки холатнинг бамисли занжирли реакция сингари, туйғу ёки фикрлар силсиласини ечиб юборишга алоҳида аҳамият берилади". "Ҳозирги ўзбек адабиётига бир назар" номли тадқиқотида XX аср бошидан сўнгига қадар бўлган ўзбек адабиёти намуналарини эпик, лирик, драматик турлар нуктаи назаридан текширган олим Фитрат, Қодирий, Чўлпондан Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Салим Ашурғача бўлган улкан тадрижий йўналиши ҳақида салмоқли хулосаларни илгари суради.

қаларини қадим тарихидан янги давргача бўлган қисқача тарихини қамраб олган. Қозон университети кутубхонасидан 1527 йили Бобурнинг ўғли Комронга ёзган мактубини топиб илмий муомалага олиб киргани маълум. Ўрни келганда Б.Қосимов тадқиқотларида Ризоуддин Фаҳридин, Абдулла Тўқай, Абдурашид Ғози Иброҳим, Алиасқар Камол, Зоҳир Бегиев ва бошқа кўплаб татар маърифатчилари ижодини ўзбек адабиёти билан қиёслади.

Устознинг архивида сақланаётган манбалар орасида Алишер Навоий ижодида доир ишларнинг бизга маълумлари ўндан зиёд. "Алишер Навоий", "Навоий "Хамса"си", "Хамса"да бадиий таъсир", "Навоийда муаммо", "Навоий асарларида миллат ва миллийлик масалалари", "Халқ руҳияти меъмори" сингари тадқиқотлардан маълум бўладики, Б.Қосимов илмий фаолиятининг салмоқли қисми улуг шоир ижодини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган. Ушбу мавзуда у амалга оширган ишлар фақат мумтоз адабиётни ўрганиш нуктаи назаридан эмас, балки адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти, миллий маънавият, адабий таъсир, ижод фалсафаси жиҳатидан ҳам аҳамиятга молик.

Олимнинг адабий-тарихий жараёнга қўшган хиссаси булар билан чекланмайди. Шубҳасиз, ҳозирги адабий жараён, адабий алоқалар бўйича қилган ишлари ҳам айна йўналишлар силсиласида ўз ўрнига эга.

Олимнинг адабий алоқаларга доир илмий мақолалари, улардаги қиёслар XX аср аввалидаги адабий-ижтимоий ҳаракатчиликнинг илдизини очишга, адабий ҳодисанинг асл моҳиятини англашга ёрдам беради. Махмудхўжа Бехбудий ҳақида фикр юрита туриб, домла, албатта, Гаспратини, уларнинг муштарак ғояларини, учрашувларини ёдга олади. Устознинг "Исмоил Гаспринский ва Махмудхўжа Бехбудий" мақоласи шундай жиддий қиёсий таҳлиллар ҳосиласидир. Б.Қосимов 1991 йили 18-23 март кунлари Семфиropolда бўлиб ўтган Гаспратли таваллудининг 140 йиллигига бағишланган халқроқ анжуманда қатнашиш ва ўнлаб янги маълумотларни анжуман тафсилотлари билан ўйиниқликда "Исмоилбек Гаспратли" таърифини йўлида бир таърибни рисоласида баён қилди. Исмоил Гаспратли ижодини Б.Қосимовдан кўра тереңроқ, қуқурроқ тадқиқ этган иккинчи бир олимимиз йўқ.

Б.Қосимовнинг XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг илк чорағидеги адабий-тарихий жараён бўйича йирик мутахассис бўлгани, бу даврга доир муҳим илмий муаммолар борасида тадқиқотлар ёзгани, юздан ортиқ адабий сиймони ўз илмий концепцияси нуктаи назаридан ўрганиши, қатор адабий манбаларни наشرга тайёрлагани, кўплаб ижодкор биографиясини тиклагани, бу йўналишда илмий-тадқиқот мактаби яратгани кўпчилиққа маълум. Унинг "Излай-излай топганим", "Маслакдошлар", "Исмоилбек Гаспратли", "Миллий уйғонши", "Уйғонган миллат маърифати" асарлари, шубҳасиз, XX аср ўзбек адабиётшунослигининг ютуғидир.

Б.Қосимов жадидчилик ҳаракатини кенг қўламада, бутун таъсирланув омили лари, йўлбошчилари, асосий ғоялари, географик қўлами, машҳур шахсиятларига тадқиқ этган йирик мутахассис эди. Ўзбек маърифатпарвар адиблари ижодини Жамолиддин Афғонийдан Исмоил Гаспратлигача, Шаҳобиддин Маржонийдан Мағжон Жумабойгача, Норимон Норимоновдан Заки Валидий Тўғонгача бўлган оралликдаги адабий-ижтимоий қарашлар билан бемалол қиёслаш оларди.

Олимнинг адабий-тарихий жараёнга қўшган хиссаси булар билан чекланмайди. Шубҳасиз, ҳозирги адабий жараён, адабий алоқалар бўйича қилган ишлари ҳам айна йўналишлар силсиласида ўз ўрнига эга.

Дарҳақиқат, илмий-адабий жамоатчилик профессор Б.Қосимовни Шарқ поэтисаси ва матншунослик соҳасининг йирик мутахассиси сифатида билади. Унинг адабий жараён муаммоларига доир наشر этилган ва баъзи наشر этиришга улгурмаган ишлари унинг замонавий адабиётни ҳам кенг қўламада, теран усулларда таҳлил таққин этганини кўрсатади. Чунончи, Ф.Каримов, А.Ғуломов, О.Шарафиддинов, Ш.Юсупов, Л.Қаюмов, Х.Муҳаммадхўжаев, А.Каттабеков сингари адабиётшунослар, У.Носир, А.Маҳидий, Ф.Ғулом, А.Орипов, Р.Парфи, М.Али, Ҳ.Шамс, Ж.Камол, Ю.Шомансур, А.Шер каби шоир ва ёзувчилар ҳақидаги тадқиқотлари, адабий жараён муаммоларига доир "Ҳозирги ўзбек адабиётига бир назар", "Чўлпон ҳақида роман"

Б.Қосимов жадидчилик ҳаракатини кенг қўламада, бутун таъсирланув омили лари, йўлбошчилари, асосий ғоялари, географик қўлами, машҳур шахсиятларига тадқиқ этган йирик мутахассис эди. Ўзбек маърифатпарвар адиблари ижодини Жамолиддин Афғонийдан Исмоил Гаспратлигача, Шаҳобиддин Маржонийдан Мағжон Жумабойгача, Норимон Норимоновдан Заки Валидий Тўғонгача бўлган оралликдаги адабий-ижтимоий қарашлар билан бемалол қиёслаш оларди.

Б.Қосимов турли миллатга мансуб дунё олимлари билан ижодий-илмий ҳамкорлик қилди. Адабий-илмий алоқалар олимнинг хориждан ўзбек адабиётшунослигига олиб кирган янгиликлари ва ўзбек олимнинг хорижлик мутахассисларни таништирув йўлида қилган хизматлари тарзида икки йўналишда бўлади. Албатта, Б.Қосимов ижодий меросида ҳар икки жиҳат ҳам ёрқин кўринади. Устоз Ўзбекистондаги архив ва ноёб фондларни жуда яхши билар эди. Сарғайган газета ва журналларнинг чангини ютиб, қорайтирилган тарихини илм зиёси билан ёритди, тарихий шахсларнинг миллат фидойилари эканини далиллар билан исботлади. Шунингдек, илмий сафарларда бўлиб, Қозондаги кутубхоналарда ишлади, Берлиннинг Гумбольдт университети қошидаги нодир фонд манбаларини ўрганди. Б.Қосимов мақолалари Франция, Туркия, Россия, Афғонистон, Қозонистон ва бошқа хориж мамлакатлари нашрларида босилди.

«ЮЛДУЗНИНГ БЕШ ҚИРРАСИ»

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алининг асарлари таҳлилига бағишланган кўплаб илмий мақолалар, рисоалар ёзилган. Яқинда "Муҳаррир" нашриётида чоп этилган адабиётшунос Адҳамбек Алимбековнинг «Юлдузнинг беш қирраси» номли китобида адиб ҳаёти ва ижоди биринчи марта монографик йўналишда тадқиқ асарларидир, биз шуларга суяниб иш қўрдик», деб

Китобни ёзишда Муҳаммад Али ака билан кўпгина сафарларда бўлганимиз, дўстлар даврасидаги самимий суҳбатлар, ижодий учрашувлар, шунингдек, ёзувчининг кундалиқлар ёза бондлаган) жуда кўп келганлигини айтиб ўтмоқ жоиз. Албатта, энг яхши манба адибнинг асарларидир, биз шуларга суяниб иш қўрдик», деб

ёзади китоб муқаддимасида А.Алимбеков. Монографиянинг илк саҳифаларида муаллиф адибнинг болалик даврини жонли лаҳзаларда тасвирласа, кейинги мақолаларда унинг қизгин ижодий жараён оғушидаги жўшқин фаолияти ҳақида сўз юритади, шеърини, "Машраб", "Гумбаздаги нур" ва "Боқий дунё" номли йирик жанрдаги асарларини батафсил таҳлил қилади. Муҳаммад Али насрига бағишланган боблар, айниқса, ёзувчининг "Улуг салтанат" тетрологияси таркибидаги "Умаршайх Мирзо" Мухаррир Алишер Назар.

Аруз — пишган, ҳадди аълосида тақомилга етган, тап-тайёр вази. Эҳтимо, бирламчи вазига айланмас, аммо ўзбек шеърини тада у ҳеч қачон истеъмодан чиқиб кетмайди. Бот-бот шоирларни оҳанрабодек ўзига жалб этаверади. Модомики, шундай экан, арузий шеърятимиз ҳам янгилашиб, замон билан ҳамнафас хусусиятлар пайдо қилиб боравериши керак. Шундоқ бўлганда ҳам. Таниқли шоир Фармон Тошевнинг "Соғинч" (Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011) номли девони бунга бир далил.



Девон тузишда шоир фақат эски арузий вази-нагина эмас, умуман, ўзбек мумтоз шеърини тада фаол бўлган кўп жанрларни ҳам қайта тиклашга махсус уринган. Буни девон мундарижасидан оқиб олишимиз мумкин. Тўпламга жами 113 ғазал, 3 мусалласот, 2 мураббаъ, 10 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мусаббаъ, 1 мусамман, 2 таржибанд, 1 таркибанд, 3 маснавий, 11 рубоий, 4 туюқ, 29 фард, 6 чистон киритилган. Шоир лирик қаҳрамонининг қатъий ишончига кўра, шеърятнинг жамиятни янгилаш, элни эл қилишдаги ижтимоий мавқеи жуда баланд. Ҳатто бир ғазали мақтасида элнинг эл бўлишига жонфидо шоирни сабаб деб кўрсатилади:

Фармоно, шеъринг ила миллатинг қалбига кир,
Элни эл қилмоқда гоҳи жонфидо шоир сабаб.

Бошқа бир ғазалда шоирга мурожаат қилиниб, у ўта масъулиятли бўлишга чорланади, чунки эл олдида сен учун биров жавоб бермайди:

Илгинг иситма, Фармон, ўзгаларнинг ғамига,
Сен учун эл олдида бермайди жавоб бирор.

Девондаги айрим шеърларда шоир фелъ-атворидаги жиндак чапанилик ҳам, дангал-дангал гапирш ҳам, чўртқесарлик ҳам сезилиб туради. Бир ғазалида лирик қаҳрамон ўзини миннат, ғийбат, сохта иззат-икром, майда-чуйда галлардан ироққ тутишини айтади. Мақтадаги хулосасидан билиб оламизки, бу зимдан шоирнинг ҳамкасбига қарата айрилган дил сўзлари янглиғ қоғозга тушган:

Фармоннинг ўз кўнглига ўзи айтар сўзи бор,
Битган бўлсанг неки байт, минбаъд ўзинга сийлов.

Чинакам ғазал битиш учун аввал бу жанр аънасини яхшилаб ўрганиб олиш керак. Бу борада ўзбек шеърятининг ўзи етти асрлик тарихга эга. Ана шундай аъналардан бири — мусажжа ғазал битиш. Бундай ғазалнинг умумий (матла ва ҳар байтнинг иккинчи мисралари охирида келадиган) қофиясида ташқари, ҳар бир байтида яна ички қофия келади. Бу шеърнинг таъсирчанлигини қучайтиради. Ҳар байт охиридаги сўзнинг умумий жарангдорлигига ҳар қўшимсрада учта сўзнинг ўзаро оҳангдорлиги қўшилиб, ажиб бир гармония пайдо қилади. Бу ўқувчи завқини оширади. Мисол тариқасида қуйидаги мақтага эътибор берайлик:

Муҳаббатсиз юрак — зиндон, у — бир полон,
у — бир армон,
Этар васфинг битиб Фармон, ўзинга ташна,
зор элдинг.

Аммо шу баҳона бошқа бир гапни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Модомики, мусажжа ғазал битиш нияти туғилдим, энди ғазалда бошдан-охир шу қоидага амал қилиш керак. Яъни матлада ҳам ички қофия яратиш лозим.

Шоирнинг: **Кўзда ўзга сийрат йўқ, кўзларимга боқ, санам, Дунёлардан ҳайрат йўқ, сента кўз муштоқ, санам** — деб бошланадиган ғазалида шу қоидага бошдан-охир қатъий амал қилинган. Аммо баъзи ғазалларнинг айрим байтларига мусажжа тарзида битилган. Холбуки, бундан асар шу санъатга бўйсун-

дирилганда бадийи самара тамоман бошқача бўлар эди. Бугун арузда шеър битиш минг йиллик хазинага кириб, ўзига керакли дуру гавҳар излашга ўхшайди. Излаган топади-да. Ферузнинг:

Қилурман ютуб шавқи лаълинда қон,
Фигону фигону фигону фиғон —

байти билан бошланадиган бир оҳорли ғазали бор. Оҳорлилиги шундаки, етти байтли ғазалнинг ҳар байти иккинчи мисраси ана шундай бир сўзнинг тўрт такрори асосига қурилган: "Нихону ниҳону ниҳон", "Жаҳону жаҳону жаҳону жаҳон..."

Фармон Тошев девониде ушбу ғазалга таҳмис бондлаган. Бу эса бесамар кетмаган. Шу оҳорли усулни ўзи бошқа бир шеърда қўллади ҳам. Унда байтлар "Баҳору баҳору баҳор", "Нигору нигору нигор", "Бедору бедору бедор", "Викору викору викор", "Афгору афгору афгор..." сингари мисралари билан тугайди. "Айбгинаси" шуки, бу шеър арузга тушмаган, демек, бармоқ вазида ёзилган. Девонда бундай "ғазал"лар яна учрайди.

Халқ оғзаки ижодидаги тез айтишларда, мумтоз шеърятимизда айнан бир ҳарф билан бошланадиган сўзларни қаторлаштириб ишлатиш бор. Устоз Эркин Воҳидов бу усулни барча сўзлари "қ" товуши билан бошланадиган, жами 30 сўздан иборат, аслида, ғазалнинг дастлабки икки байтини эслатади. Ғарб адабиётшунослигиде бу "аллитерация" дейилади. Таҳлил этилаётган девонда ҳам шундай ғазал бор. Унда барча сўзлар "с" ҳарфи билан бошланади.

Санам, севгинг сурур солгай
Саҳар соҳир саборада.
Саодат сеҳрини саркаш
Сарафрозлар салоларда.

Сабр сундим севиб сокин
Ситов-ла сийлади сайиб.
Саодат сийратни соллар
Сабудинг сас солларда...

Шеъринг гўзаллик нима? Шеъринг гўзаллик сўзлар аро яширлик нозик маънолар жилосида намоён бўлади. Бу ерда шоир салафи (устози) яратган олдинги гўзаллик асосида янги — оҳорли бир шеъринг гўзаллик яратган. Мумтоз шоирларимизда бир сўзи билан йўла унинг икки-уч маъносини ҳам қўзда тутиб қўллаш кучли эди. Буни, хусусан, таҳаллусда кўпроқ учратамиз. Шоир мақтада келган мана бу мисраларидаги "фармон" сўзида бира-тўла исмини ҳам яшириб ўтган: "Ёзурга чорлади дилга бериб фармон ғазал ишқи", "Севги лойимда азалдан ул Худо фармони-ла". Умуман, "Соғинч" девони, шеъринг ўз равнақи йўлида ҳар қанча янги-янги йўл ва йўлак изламоли, ўз миллий ўзанидан узоқ кетмайди, кета олмайди, деган қатъий хулоса қилишга асос беради. Амин бўлингки, бундан бунён ҳам аруз жойбаси шоирларимизни ўзига махлиё айлайверади. Қалам аҳллари унинг бепоён уммонига ўз қайғини солиб кўраверади. Бу қайиқ қандай сузади, унинг соҳибу бу уммон тубидан не дуру гавҳар олиб чиқади — бу омадга, маҳоратга, насига бағлиқ.

Султонмурод ОЛИМ

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"


2012 йил, октябр ойи сони

Журнал таҳририяти фаолиятида яхши бир аъна шақлланиб келаяпти: нашрнинг ҳар бир сониде жаҳон халқларидан биттасининг адабиёти — турли давр ва жанрларда яратилган дурдона асарлари билан таништирилмоқда. Бу ўқувчиларда муайян хорижий адабиёт тарихи ва бугунги ҳақида яхлитроқ тасаввур пайдо қилади. Чунончи, ушбу сонда журналнинг кўпгина саҳифалари қардош озарбайжон адабиётига бағишланган.

Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Намиқ Рашид ўғли Аббосов билан суҳбатда халқларимиз ўртасидаги тарихий-маданий алоқалар, адабиётларимиздаги муштарак жиҳатлар, бугунги дўстона муносабат ва ҳамкорликлар ҳақида сўз юритади. Озарбайжон халқ оғзаки ижодининг нодир намуналари — озарий баётлар, замонавий озарбайжон шеърятининг Саммад Вургун, Нигор Рафибейли, Бахтиёр Ваҳрбозода, Халил Ризо, Мамад Ораз, Рамаз Равшан сингари ўнга яқин номдор вақиллари ижодидан намуналарни асلياتдан Раззоқ Абдурашид, Тоҳир Қаҳқор, Қарим Баҳриев, У.Сатторий таржималарида ўқийсиз. Хусайн Жовиднинг "Шайх Санъон" драмаси озарбайжон тилидан Усмон Қўчқор таржимасида тақдим этилган. Профессор Наим Каримов "Хусайн Жовид — буюқ озарбайжон драматурги" мақоласи мазкур драма ва унинг муаллифи ҳақида батафсил маълумот беради. Аънавий "Навоий сабоқлари"да улуг шоирнинг "айласа" радифоли ғазали, унинг Л.Пеньковский таржимасидаги русча намунаси ҳамда ушбу ғазалнинг Наҳид Комилов қаламига мансуб насрий баёни ва умумий мазмун-мундарижасидан баҳраманд бўласиз. "Шеърят минтақалари"даги учрашув рус классик адабиётининг икки йирик вақили Михаил Лермонтов ва Сергей Есенин поэзияси намуналари би-

Журналларни гузаллашганда


лан давом этади. Сулаймон Раҳмон М.Лермонтовнинг илгари таржима қилинмаган шеърларидан бир дастасини тақдим этган. С.Есениннинг "еллардек шўх, шабнамдек тиник, ойдек ёруғ ва ғамнок" шеърларини Эркин Воҳидов таржимасида ўқийсиз. Сирожиiddин Саййиднинг С.Есенин шеърини, унинг мухлислари, ўзбек шоирларига таъсири, таржима-лари ҳақидаги мақоласи машҳур рус шоири ижодида доир тасаввуримизни янада кенгайтиради. Насрий асарлар қаторида атоқли япон адиби Рюносэ Акутагаванинг "Сув ости мамлақати" қиссаси (рус тилидан Ойдин Нисо таржимаси) ва Явдат Роминанинг "Олачилор ажал" романининг давоми билан танишасиз. "Улуг ва садоқатли муҳаббат" сарлавҳали хотираларда атоқли адиб Одил Ёқубовнинг умр йўлдоши Марям Ёқубованинг ас-далиқларидан бир неча лаълика ёритилган. Шунингдек, журналнинг ушбу сониде жаҳон маданияти ва санъатига доир талайгина қизиқарли мақолалар, хабарлар, маълумотлар билан танишасиз.



Бахтиёр Ваҳрбозода, Халил Ризо, Мамад Ораз, Рамаз Равшан сингари ўнга яқин номдор вақиллари ижодидан намуналарни асلياتдан Раззоқ Абдурашид, Тоҳир Қаҳқор, Қарим Баҳриев, У.Сатторий таржималарида ўқийсиз. Хусайн Жовиднинг "Шайх Санъон" драмаси озарбайжон тилидан Усмон Қўчқор таржимасида тақдим этилган. Профессор Наим Каримов "Хусайн Жовид — буюқ озарбайжон драматурги" мақоласи мазкур драма ва унинг муаллифи ҳақида батафсил маълумот беради. Аънавий "Навоий сабоқлари"да улуг шоирнинг "айласа" радифоли ғазали, унинг Л.Пеньковский таржимасидаги русча намунаси ҳамда ушбу ғазалнинг Наҳид Комилов қаламига мансуб насрий баёни ва умумий мазмун-мундарижасидан баҳраманд бўласиз. "Шеърят минтақалари"даги учрашув рус классик адабиётининг икки йирик вақили Михаил Лермонтов ва Сергей Есенин поэзияси намуналари би-

Тошўлат АХМАД

ЯХШИЛИКНИ САОДАТ АЙЛА



Иймон боғини яшатишни истарсан, вале,
Жайронларнинг, булбулинига тузоқ тушмасин.

Отам дегил, онам дегил, унутма дўстни,
Оқибатга чигал тутун, жумбоқ тушмасин.

Аҳмадий дер: бахтининг куч, ёринг авайла,
Ишқ-вафонинг косасига қайроқ тушмасин.

Сахродан эсган шамол сочларинг силамагай,
Самода кезган ҳилол ўқ узсанг, қуламагай.

Кимки салом бермаса, кутмасин аликни ҳам,
Беҳадлар қалбига ҳеч ким қалб уламагай.

Бахилга бармоғини қачон тугибди Хизр,
Беймоннинг боғига ҳатто қуш йўламагай.

Бу ҳаётда меҳрга зор юрганлар кам эмас,
Фарзандин хор этгани тақдир ҳам сийламагай.

Тиниб оққан буюқдай дилинг тоза бўлмаса,
Ҳар қанча мансабдор бўл, эл шонинг сўйламагай.

Юртинг — ўлан тўшагинг, ҳар лаҳза унга бош қўй,
Ватансизнинг ҳолига ҳеч кимса йнгламагай.

Сенга аён, Аҳмадий, ўзгалар ҳам этсин ёд,
Ким халқини ўйламаса, халқ уни ўйламагай.

АЙРИЛИК

Армонни етаклаб келасан гоҳи,
Ҳижронни етаклаб келасан гоҳи,
Фигонни етаклаб келасан гоҳи,
Бунча беомонсан, айрилиқ!

Отамни, онамни ютиб кетдинг-а,
Қанча дўст-ошнамни ютиб кетдинг-а,
Жигарим поралаб, ситиб кетдинг-а,
Ажларсан, илонсан, айрилиқ!

Дастингдан баъзида музлаб қолгай дил,
Илвираб, шалвираб, бўзлаб қолгай дил,
Ўзинг тўзим бер деб, сўзлаб қолгай дил,
Белин, беимонсан, айрилиқ!

Ҳеч ким кутмаса ҳам келаверасан,
Бетаклиф, шамолдай елаверасан,
Барчани доминга илаверасан,
Туфонсан, ҳазонсан, айрилиқ!

Барча айрилиққа мумкин дош бермоқ,
Лек... буюқ жожеа — юртдан айрилмоқ,
Ҳеч бошга тушмасин бундаинг фироқ,
Ёмондай ёмонсан, айрилиқ,
Ранг-рўйи сомонсан, айрилиқ!

СИР

Дарёнинг ҳолини уммон билмайди,
Меъдоннинг ҳолини меҳмон билмайди,
Яхшининг ҳолини ёмон билмайди,
Дунёда сир қўллар, синаот қўллар.


Болари бол эмса, боғ йнғлармиди,
Чўққини қор босса, тоғ йнғлармиди,
Дардманда дарди йўқ дил боғлармиди,
Дунёда сир қўллар, синаот қўллар.

Қояга қўнган қуш лочинга ёқмас,
Ўрмонда юрган шер сичқонга боқмас,
Тилак соф бўлмаса, ҳаёт гул тақмас,
Дунёда сир қўллар, синаот қўллар.

Вафо қулиб чиқса, жафо тиш қайрар,
Меҳр бўй қўрсатса, жабр ниш қайрар,
Ҳиммат боғ яратса, ҳасад ўт қўрар,
Дунёда сир қўллар, синаот қўллар.

Аҳмадий, кўп куйма, ҳаё абдий,
Кўнглидан оққан куй, наво абдий,
Савога банди бўл, дуо абдий,
Дунёда сир қўллар, синаот қўллар.

Ҳайдар ТўРА

БИР ТАБАССУМ БИР
УМРГА ТЕНГ

ЕТГУЛИК

Бир одамнинг бир жони бор, бир умр
Орзу-ҳавас амалига етгулик.
Юксалмоққа имкони бор, ҳайтовур,
Фойдаланса камолга етгулик.

Кимки илм, касб-ҳунар ўрганса,
Одоб-ахлоқ, яхшиликка суйканса,
Элим, юртим, ватаним дея ёнса,
Иззат топар амолга етгулик.

Меҳнат ила изланганга толе ёр,
Ўзлигин билмаганга дунё тор,
Ёмонларнинг йўли бермас яхши бор,
Ҳақиқатнинг тамалига етгулик.

Ҳар инсоннинг ризқи рўзи бут бўлсин,
Рўзгорида барақаю кут бўлсин,
Ўзбекистон энг бахтиёр юрт бўлсин,
Арши аъло канорига етгулик.

Насиб этса эзгу-ният тилакдан,
Бойлик келар ҳалол меҳнат — билмакдан,
Ҳайдар Тўра сўзлар топиб юракдан,
Ашғор битар қаламига етгулик.

ТҮРТЛИКЛАР

Икки йўлнинг ораси қанча,
Ўлчамоқлик асло қийинмас.
Икки дилининг ораси қанча,
Бунга ҳеч ким, ҳеч қачон билмас...

Бу дунёнинг бағри жуда кең,
Кимлар ўтди ва кимлар ўтмас.
Бир табассум бир умрга тенг,
Меҳр-оқибат абдий ўлмас...

Йўллар бор — жуда текис кенгликлардан ўтади,
Йўллар бор — чағир тошли чўққиларга етади.
Иккинчисин тавладим бир умрга, дўстларим,
Мени унда интизор умидларим кутади...

Тилло узукларга кўз қўяр заргар,
Бежирим юзларни чизади рассом.
Ё рассом, ё заргар бўлсайдим агар,
Мен ошқ юракни чизардим мудом...

Эшигинга қулф урсанг нолиб,
Ортса-ортгар оху фиғоним.
Бир ўтинчим, очилмас қилиб,
Юрагинга қулф урма, жоним...

ТАРНОВЧА

— Том қатори тарновча,
Юксакда турар нечун?
— Ёмғир ёғиб тингунча
Қилган хизмати учун...

Йўқ, балиқни дўст деб билмасман,
Дўстлар, келмас қўлимдан бу иш.
Ер юзини сув босса агар —
Балиқ тортмас заррача ташвиш...

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бугунги ўзбек ёшларининг илгор шёрияти мазмун-моҳиятида ҳам халқимизнинг маънавий буй-бастига доир қирралар кўзга ташланиб туради. Бироқ бу кифа бутун жозибаси билан — бор моҳияти билан биронта ёш шоир ижодида ўзини ҳали тўла намён этганича йўқ. Аслида, бу осон иш эмас.

Дунё бўйлаб цивилизация бўронлари кучайиб бораётган бугунги кунимиз ва эртаимизда бутун бошли халқ кифасини ўзининг биргина ижоди бағрига сиғдириш-сингдириш энди аянам мушкул бўлади, чамамда. Аммо умид бор. Ахир, бир шоир бўлмаса, шу шоир мансуб бўлган катта бир авлод урдалаш мумкин-ку бу ишни. Ҳа, айнан шундай: ўз халқининг маълум даврдаги муайян кифасини шу давр авлоди чизиб беришга қодир бўлади. Бироқ кифанинг ўликроқ акс этиши учун бугунги ўзбек назмига, айниқса, ёшлар шёриятига чинакам парвозлар соғинасан, киши.

Авалло, ёшлар шёрияти шаклий жиҳатдан ҳам, мазмун нуктаи назаридан ҳам гоё турфаланиб бораётганини таъкидламоқ жоиз. Чунки ижтимоий бюротмалар ва сиёсий тўсиқлар бўлмаган давр адабиётининг хилма-хиллик касб этиши табиийдир. Қолаверса, ахборот асрининг турлари воситасида бутун дунё яхлит бир санъат объектига айланган ижодкорнинг мавзу уфқларини ниҳоятда кенгайтириб юборди. Чунки, ёшлар шёриятида шаҳар мавзусига кўпроқ кўл урила бошланди. Шунга қарамай, у чинакам шаҳар поэзиясига айланганча йўқ. Ушбу шёриятда шаҳарга хос белгилар — телефон, трамвай, тўп-тўп чироқлар, ойдин кўчалар детал сифатида аллақачондан бери қўллаб келинади.

Бироқ чинакам шаҳар руҳини, шаҳар табиатини, шаҳар қалбини аниқ-тиник кўрсатиб берадиган бутун бошли шаҳар поэзияси шаклланиши йўқ. (Адабиётимиз тарихида ушбу тамойил Ойбек ва Асқад Мухтор шёриятида қисман кузатилади). Ваҳоланки, халқимизнинг катта бир қисми шаҳарда яшайди. Демак, шаҳар халқ кифасининг ажралмас қисмига айланган улгурган. Бугунги ёшлар шёриятини синчковлик билан кузатганимизда шунга ишора этувчи, аммо бир оз ўзгача ракурсадан туриб ёзилган шёърлар галереясига дуч келамиз: унда ёш шоир, асосан, қишлоқдан, пахта далаларига, яллиз ўсган ариқлар бўйидан шаҳарга катта умидлар билан келиб, аммо шаҳар табиатига қўнқолмай, унга сингишолмай айни пайтда, туғилиб ўсган қишлоқга ҳам қайта олмай, оралиқда қол-

ган танг ҳолатни чизишга уринади:

Мен энди қайтаман, бўлди, етар, бас!
Ҳаловат топмадим гавжум шаҳардан —

деб ёзди Ф.Ҳайит ўз авлоди кўнглидагини жамлагандек "Илиж" тўпламидан жой олган "Қайтиш" шёрида. Нега шоир ўзини муайян касбнинг мутахассиси сифатида шакллантирадиган, болалик орзу-умидлари рўёбга чиқишига реал имконлар тақдим этадиган, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиб етишмоғида кўмаклашадиган макон — шаҳар ва унинг сершовқин кўчаларидан кетмоқчи?... Чунки инсоннинг киндик қони тўкилган, ёрул олам, она, одамлар, тоғ, кўёшу ойни... илк бора танинган гўша, барибир, кишининг кўзига жаннатдек кўринади. Шу боисдан ҳам ўша жой шоир учун Ватанининг бошланиши ва ҳатто айтиш мумкинки, маркази ҳисобланади. Ҳа, ҳар қандай инсон учун ўзи туғилиб, воғяга етган гўша унинг Ватани марказидир! XX аср психологияси, хусусан, Фрейд, Юнг, Фромм, Адлер ва бошқа психоаналитикларнинг асарларида инсоннинг бундай ўй ва хатти-ҳаракатлари тубида ётган майл-интилишларнинг асл сабаблари теран очиб берилган. Чунки кўнглидаги орзу-мақсадлар юксаклиги ва тақдир инъом этган имконлар ўртасидаги тафовутлар юки шоир қалбига ҳақиқий дилўртар изтиробларни солади. Натижада кўнглидаги музларни баҳор офтобидек эритиб сел қиладиган шёърлар яратилади. Шунинг учун ҳам бугунги ёшлар шёриятидан катта умидлар қилар эканмиз, билмоғимиз зарурки, истаклар ортида уларга ана шундай чин изтиробларни тилаган бўламиз. Бинобарин, ҳақиқий шоир қисмати ва ижоди мисолида шуни таъкидлашнинг истардимки, чинакам шёър, чинакам санъат асари осонликча қўлга киритилмайди. У ижодкор юраги, соғлиги ва ҳатто ҳаётининг маълум маънодаги қурбонликлари эвазига дунёга келадиган жудаям қимматбахо борликдир... Ҳа, сиз билан биз севиб қоладиган шёър, адабиёт асосан ана шундай манзилларда — борлик ва йўқлик оралиғида туғилади, яшайди...

Назаримда, бугунги айрим ёшлар шёриятининг ўзак хусусиятларидан бири одам ва олам дардининг энгил тортиб, нисбатан майдаллашиб кетганидир. Йўқ, гап мавзуда эмас. Шоир беш юз йил олдин нимагани куйлаган бўлса, бугун ҳам шуни тараннум этмоқда: муҳаббат, айрилиқ, висол, адолат, дўстлик, душманлик, она, бола, Ватан, табиат, қаҳрамонлик, умрнинг бебақоли-

ги, охират қайғуси, буюқлар мадҳи ва ҳоказо мавзулар ҳамма даврларда барча миллат адабиёти ва санъатининг диққат марказида бўлиб келган. Аслида, бугунга келиб шёрият тематикаси яна-да кенгайган. Чунки, масалан, вақтида атом бомбасининг ишлаб чиқиши билан одамзод кўнглига тушган ваҳм ва кўрқув шу мавзуда кўлаб асарларни юзага келтирди. Эндиликда эса қўл телефони, DVD, компьютер, интернет ва булар кўрсатаётган "кароматлар" ҳам секин-аста шёриятнинг "исътомол доирасига" тортилмоқда. Гап бунда ҳам эмас. Менинча, гап шоирнинг ўша азалий ва абдий мавзуларга ёндашув принципи

ўзидан — шоирнинг табиатидан, фикрлашидан, юрагининг уришидан туғилмоғи зарур. Ахир, унинг қалбига ўз халқининг қиёфаси ашайди, дедик. Ҳамма гап шунда!..

Айрим ёшларимиз шёърлариданги «фаариатлардан» ана бири ўқимаслик касалининг шёър юзига чиққан заъфаронлиги, заифлиги, мадорсизлигидир. Бу ўринда "Мана сизга далил-исбот!", дея уларнинг шёърларидан иқтибос келтиришни лозим топмадик. Чунки бу нарсаси шундай ҳам умумий манзарада сезилиб-билиниб турибди. Умуман, бугун бир-бировини ўқийдиган шоирлар кўпмикан ўзи? Назаримда, ёш ижодкорларнинг аксариятида

ШЕЪР — БОРЛИК ВА
ЙЎҚЛИК ОРАСИ

ёхуд дарёсини топган ва топаётган ирмоқлар

ва даражасида. Майдалашув шу ерда. Шоирнинг (умуман, ҳар қандай ижодкорнинг) дунёни, одамни, яхшилик ва ёмонликни, ўз кўнгли оламига ўзгаларнинг босган қадами... ўлчайдиган қаричи — дунёқараши кичрайиб қолганга ўхшайди. Аксарият шёърларда осмондан кўра кенгроқ кўнглиларни, жасоратли юракларни учратиш тобора қийинлашиб бораётир... Яъни баъзи ҳолларда шоирнинг дарди фақат унинг ўз дарди бўлиб кўринаётир: у севадимки-куядими, йнғлайдими, куладими — ҳамма-ҳаммаси фақат ўзигагина тегишли бўлган, ўзигагина ажратилган майдон — "шахсий томорқаси"да қолиб кетаяпти. Шунда беихтиёр ўйлаб қолсан: шёър тобора шахсийлашиб, субъективлашиб бораяпти экан: бори-ўйғи — шу. Бундан ташвишга тушишинг ҳожати борми? Ахир, дунёнинг ўзи шунга қараб кетмаяптими? Замондош инсон дунёнинг авзойидан, яшаш шарҳларидан, товар алмашув натижаларидан келиб чиқиб, ўзини ўзи чор деворнинг ичига қамаб олиб, оламдан, одамлардан узоқлашишга интилмаяптими? Бунинг оқибатида эса, беғоналашу мумаммоси келиб чиқмаяптими?..

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, юрагида ўз халқининг хажжи кифасини кўтариб юришга қодир шоир шёрга солаётган ўз дардининг бир учидан ирмоқ очиб, кўнглининг дардига — умумдарёга қўшиб қўймоғи лозим кўринади. Аслида, бу иш атай қилиниши керак эмас. Чунки у ҳолда сунъийлик деган адабиёт учун энг хавфли вирус урчиб кетади. Умумдарёга очилган ирмоқ ўз-

килик, романтикага мойиллик яшайди. Саналган ушбу хусусиятлар эса санъату адабиёт парвоз этадиган трамплиндир. Кейин-чи? Кейин нима юз беради?... Ёш шоирнинг ёши улгайган сайин мутахассис сифатидаги, ота ёки она сифатидаги вазибалари кўпаяди. Орзуларнинг аксарияти орзулигича қолади ёхуд ҳаётга тадбиқ этилиб адо бўлади... Буларнинг ҳаммаси санъаткор онгию кўнглига қаттиқ таъсир этиб, ундаги тирик туйғуларга даҳл қилади. Шунда шоирнинг ёши улгайса, ёзган шёърларнинг сифати ортмайди. Модомки, у шёър ёзишдан бошқа ишга ярамаса, мажбуран ёзди, аммо ёзганлари унга шухрат

ва олқиш келтирмайди... Шунинг учун ҳам ҳар йили адабиётимиз сарҳадларига ўнлаб, юзлаб ёш шоирлар қадам ранжида қилишларига қарамай, улардан қай бирларига катта адабиёт даргоҳига етиб

ёшлар шёриятида шёърдан шёрга ўсиб-ривожланиб, узоқсиз давом этиб бораётган яхлит, улкан мавзу — бу, албатта, Ватанинг англаш мавзуси эканлигини таъкидлаш ўринли. Англаганда ҳам фақат жуғрофий кенгликда эмас, тарих ва замон яхлитлиги маъносиде, бир бутун тушунча сифатида англаш бўлган интилиш. Тўғри, бу ҳали ёшлар бадиий манзара кашф этди, дер олмаймиз. Мисол учун айтганда, бундай мавзу Чўлпонда Истиклол гоёси эди, Фафур Фулом, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовда она-Ватан мадҳи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Давронда ижтимоий адолат туйғуси, Рауф Парфию замондошларимиз Ҳалима Аҳмедова ва Зебо Мирзода изтиробли севиғи, кўнгли дарди. Баҳром Рўзимухаммад, Фахриёр, Азиз Саид, Гўзал Бегим шёърларига эса шаклнинг ранго-ранглигига тинимсиз интилиш, мунтазамлик бор. Албатта, масалан, муҳаббат — ёшлар шёриятининг ҳам етакчи мавзуси. Фақат уларнинг аксарияти ижодида муҳаббат дарди ривожлантирилмайди, аксинча, ишқий шёърларнинг ҳар бири ўзича мустақил мазмун-моҳиятга, шаклу шамойил-

га эғалиги билан ажралиб турадики, киши ҳаёлида бундай шёърлар умрларга татиғулик улкан севиғининг эмас, балки ёз ёмғиридек қисқа муддатда "қелиб кетган" кўнгли ўйинларининг замзамаси ва хотираси эмасикан, деган иштибоҳ туғилади. Худди шундай, бошқа мавзудаги шёърларда ҳам мазмун тадрижи кўзга ташланмайди. Узлуксизлик, узвийлик йўқ. Албатта, ҳар қандай шоирдан катта санъаткор олдига қўйиладиган талабларни исташ ноўрин. Лекин, барибир, ҳар қандай шоир юксак олом(идеал)га интиломоғи шарт. Нафсилмабрини айтганда, мана шундай оломнинг идрок қилинмагани бугунги айрим ёшлар шёриятида саёвликни юзага келтираётган факторлардан биридир. Аммо, шукрлар бўлсинки, яна шундай ёшларимиз борки, уларнинг ўқтам, ёрқин, халқ ва Ватан тақдирига, қадам ташвишига эш шёърлари қалбларимизда катта ва жиддий адабиётимизнинг келажига йўрғилган умид учқунларини пайдо қилмоқда. Беҳзод Фазлидин, Меҳрино Аббосова, Дилрабо Норқуллова каби бир гуруҳ ёш шоирларимизнинг шёърларини ўқиб бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Айтиш жоиз, ёшлар шёър техникасини яхши эгаллаган. Бу — табиий. Чунки шёър илми вақтлар, даврлар ўтган сайин авлоддан авлодга сайқал топиб бораверади. Шунинг учун ҳам бугунги ёш шоирга қайси вақтда қандай ёзиш кераклигини, оч қофиядан тўқ қофиянинг афзаллиги нимадан иборат эканлигини тушуштиришга уринаман десангиз, қулғили холга тушиб қоласиз. Ёшлар оқ шёърда ҳам, модерн оханларда ҳам бинойидек ижод қилишмоқда. Чунки улар бадиий мушоҳада эркинлигига эғадирлар. Худди мана шу эркинлик ёш шоирларга ўзидан аввалги салафлар назмини "сипқориш" ва "ҳазм қилиш" имкониятини бермоқда. Ўйлашмича, уларнинг ижодкор сифатидаги омадларидан бири шу имконларда мумкам.

Яна бир имкон — ҳар кимнинг ўз шахсий ҳаёти, бошидан ўтказган яхши-ёмон кунларини кейинги йилларда мамлакатимиз ва бутун дунё миқёсида юз берган эврилишлар синтези. Шоир юраги ана шу имконларга, одамлар қалбига, олам қалбига ланг очилган эшикдек бўлмоғи лозимки, руҳий-маънавий мулоқотлар пировардида пишиб, сайқалланиб борсин, сўнг эса даврлар оша яшайдиган, авлоддан авлодга хабар бериб толмайдиган, эскириб охори тўқилмайдиган, эстетика ва бадиий қимматини йўқотмайдиган асарлар бўлиб етиб борсин.

Улғубек ҲАМДАМ

Кино санъатининг энг оммавий соҳаси. Уни бирданига юз минглаб, ҳаттоки миллионлаб одамлар томоша қилишлари мумкин. Айна пайтда, ҳамма соҳада бўлгани каби кино ўз ишига сиқилдиладан ёндошадиган ижодкорлар билан тирик. Режиссёр Ҳотам Файзиев ана шундай фидойи инсонлардан бири.

Паҳмоқ оқ сочли, қуюқ мўйловли, ташқи кўринишидан Эйнштейнга ўхшаб кетадиган Ҳотам Файзиевни шу пайтгача фақат телевизорда кўргандим. У "Тошкент — нон шаҳри", "Маҳаллада дув-дув ган", "Бе-руний", "Дилхирож" филмларида операторлик қилганини, ўзим бир неча бор мириқиб томоша қилган "Оқ бино оқшомлари" филмининг режиссёри эканини билардим.

Ўзувчилар уюшмасида "Ўзбекфилм" дан Ҳотам Файзиев кўнгирак қилганини айтиб қолишди. Хуллас, Ҳотам ака билан учрашдик. Буни қарангки, у кўплаб адабий нашрлар қатори "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасини ҳам мунтазам ўқиб бораркан, газетанинг ўзига маълум туюлган, филм киلاس бўладиган ҳикоя чоп этилган сонларини алоҳида олиб кўраркан. Уч йил мобайнида бундай ҳикоялар сони учтага етгач, Ҳотам ака зингил солиб қарасаки (мутлақо тасодифан, албатта), ҳаммасининг муаллифи бир киши, яъни камина бўлиб чиқибди.

Ҳотам аканинг таклифи шу учта ҳикоя бўйича учта новелладан иборат тўла метражли бадиий филм яратиш экан. Уйлай-уйлай, битта ҳикояни асосида сценарий ёзиб келишга рози бўлдим. У киши мулоим табассум билан мени кузатиб қолди.

Уч-тўрт кун ичида сценарийни "шариллатиб" ёзиб ташладим. Ҳотам ака каминани хурсанд қилиб олди ва асарини қўлда қалам билан ўқиб кўришга изн сўради. Сўнгра сценарийни шомасдан, диққат билан, тўхтаб-тўхтаб ўқиб бошлади. Бу жараёни батафсил тасвирлаб ўтирмайман. Лекин у мен учун жуда азобли кечганини айтиб ўтсам кифоя қилар. Зеро, ўн саккиз саҳифалик сценарийни Ҳотам ака уч-тўрт соат ичида ўқиб тугатганида унда қалам тегмаган соҳ саҳифа у ёқда турсин, соҳ жумла қолмаганди! Буни кўриб жуда ўнғайсиз бўлдим. Аҳволимни тушунди шекилли, режиссёр мулоҳазаларини ётиги билан тушунтира бошлади...

Нихоят, сценарийни қандай ёзиш бўйича дастлабки сабоқни берган Ҳотам ака мен ёзиб келган "асар"ни озгина қайта ишлаш лозимлигини билдирди. Унинг "озгина" деганида асарни бутунлай қайта ишлашни назарда тутишига тез орада амин бўлдим...


Хуллас, ҳафта-ўн кун, чаласаводликни ботириш курсига қатнагандик, Ҳотам аканинг олдига келиб, киносценарий қандай ёзилиши борасида муайян тушунча олдим. "Ўзбекфилм" биносида жойлашган Ҳотам аканинг мўъжазгина хонасида деярли уч ой ўтириб, "Кичкина одамлар" филми-

нинг сценарийсини ёздик.

Ўсмир ёшимда у-бу нарса ёза бошлаганимда, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоя ва мақолаларини ўқиб, имконим даражасида сўзга хасисликни ўрганган эдим. Устоз Қаҳҳор сўзни деворга михлаб, қалпоғини олиб ташла, деб ўргатади. Ҳотам ака, назаримда, сўзга хасисликда Қаҳҳор домладан ҳам қолишмайди-ёв. Айна Ҳотам Файзиев "Ўткан кунлар"нинг иккинчи талқини тасвирга тушириляётганида

СЎЗГА ХАСИС РЕЖИССЁР

қахрамондан ўн беш қадамча нарида турган девордаги кичкинагина доғни кўриб қолиб, шартта суратга олишни тўхтатгани ҳақида эшитганимисиз?



Ҳотам Файзиев (оғра) ва жараёнда...

Бунга бутун гуруҳ, актёр Ёқуб Аҳмедов гувоҳ.

Хуллас, Ҳотам ака эринмайди, ҳар битта сўзни пуфлаб, чангдан тозалаб, салмоқлаб кўради. Унинг шiori: "Битта сўзга айтиш мумкин бўлган фикр-битта жумла ишлатишнинг нима кераги бор?". Гоҳида ҳикоядаги тўртта жумладан қолса бир-икки сўз қолади, бўлмаса шу ҳам йўқ. "Нима деб ўйлайсиз, қахрамонимиз мана шу вазиётда шу гапни айта оладими?" деб сўрайдилар. Ўзимни қахрамоннинг ўрнига қўйиб кўраман, ўйлайман, тасаввур қиламан ва охир-оқибат режиссёр тўғри айтётганига иқдор бўламан: "Йўқ". "Келинг, унда бу монологни олиб ташлаймиз-да, бошқа оддийроқ жумла топамиз". Осон бўлса экан "оддий жумла" топилди...

Бироқ бу не мўъжизаки, кўз олдимда, аста-секинлик билан бўлса-да, қахрамон шаклланиб келмоқда эди. Худди юсак бино митти гиштчалар билан бунёд бўлгани каби, бизнинг жумлаларимиздан тирик одам яралмоқда эди: у на менинг ва на режиссёрнинг йўриғига юрарди — ўзининг айтар сўзларини айтиб, қиладиган қилиқларини кўрсатиб турарди. Ана шунда режиссёрнинг "Мен қахрамонимни кўришим керак", деган гаплари тағида қанчалар чуқур маъно борлигини тушуниб етдим.

Ҳотам ака операторлик ва режиссёрлик ҳунарига ниҳоятда берилган фидойи инсон. У кишининг бирон гоё ёнги сюжетни ойлаб, йиллаб пиштириб юрверишига неча мартаба

Санъатининг фидойилари

гувоҳ бўлганман. Режиссёр филмин тасвирга туширишда ойлаб ўз уйдан узоқда юради: кўп ҳолларда иссиқ сув, газ сингари энг оддий шароитлар бўлмаган меҳмонхоналарда, палаталарда яшайди; саратон жазирасида пашшаларга таланади; дим хонада терга ботиб ижод қилади; қишда қорга ботиб қолган машинани итарайди, муздай хонада қалтираб чиқади; тишини тишига босганча актёрларнинг инжиқликларига чидайди. Бироқ булар ҳали ҳаммаси эмас. Ҳотам Файзиев бир филмин суратга олаётганида поездининг усти очик вагонда бир ўлимдан қолган. "Беруний" филмида эса бир неча ўн метр баландликда юз килограммлик камераси билан ёниб кетиб, ўт ўчирувчиларнинг ёрдами туфайлигина омон қолган. Айна шу филмда куёш тигида камераси билан ҳаддан ортиқ кўп тургани учун хасталикка чалинган...

Меҳнатлари Давлат мукофоти, "Эл-юрт хурмати" ордени билан тақдирланган Ҳотам ака барибир кинони дейди, кинони деб яшамоқда. Қачон қарасангиз, янги асар ўқийди, сценарий қидиради.

Бир неча йил бурун Ҳ.Файзиев ўзбек кинорежиссёрлари ичида биринчилардан Голливудда меҳмон бўлиб, океан орти кино санъатининг сир-синаотларини ўрганиб қайтди.

Дарвоқе, Ҳотам Файзиев операторлик қилган "Аёллар салтанати" филми бугунги кунда Европанинг қатор музейларидан ноёб экспонат сифатида ҳай олган, "Дилхирож" филми эса Япониянинг кутубхона-музейида 300 йиллик сифат кафолати билан сақланмоқда. Кунчиқар юртида бўлиб, "Дилхирож" тасмаси қандай шароитда сақланаётганини ўз кўзи билан кўрган Ҳотам ака мезбонларга: "Уч юз йилдан кейин келиб, текшириб кетаман-а", дея мутайиб қилган: "Янонлар жондиллари" билан "бу шартга рози" эканликларини билдиришган...

Куни кеча Ҳотам Файзиевни "Ўзбекфилм"да учратиб қолдим. Муборак ёшини қаршилаган режиссёрнинг юришлари энгиллигиндан, кўзлари чакнаб туришидан сездимки, нимадир содир бўлган. Бу борадаги саволимга Ҳотам акадан шундай жавоб олдим:

— Бир детектив филмининг гоёси пайдо бўлди. Яхши филм бўладиганга ўхшаб турибди-да... Нимаям дердик. Доимо ижод билан машғул бўлаверинг, Ҳотам ака! Файратингизга қараганда, ҳали яна кўп яхши филмларга режиссёрлик қилишингиз тайин. Ниятингизга етинг...

Абдуқоюм ЙЎЛДОШЕВ, Ёзувчи

САНЪАТ АТО ЭТГАН БАХТ

Актёрнинг актёрлик қисмати шундайки, у ўзи кўрмаган қиёфаларни, характерларини ҳам моҳирона, ишонарли талқин эта биллади. Турли вазиятларда, ҳолатларда ўзини синая кўради. Ана шу машаққатли жараён давомида ўзлигини топишга муваффақ бўлганлар мухлислар қалбига ҳам йўл топади. Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали драма ва комедия театри актрисаси Дилфуза Қодирова шундай бахтга сазовор бўлган санъаткорлардан.

Норин туманининг Оқтовли қишлоғида туғилган Дилфуза Қодирова 11 нафар фарзандни камолга етказган Маҳмуда аянинг меҳри, тарбияси билан болалигидан санъатга кўнгли кўйди. Оиладаги фарзандларнинг барчаси санъатни севишарди. Аммо улардан фақат Дилфуза шу йўлни танлади. У ўқувчилик давридаёқ оҳанрабодек овози билан тилга тушди. 4-5-синфларда ўқийётган кезлари Ваҳобжон Мелибоев раҳбарлигида "Норин шабодалари" ансамблига қатнади. Кейинчалик туман, вилоят, республика миқёсидаги танловларда иштирок этди.

Тошкент Театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Санъат ва маданият институти)да ижодий синовлардан муваффақиятли ўтиб ўқишга қабул қилинади. Мусикали драма факултетига ўқиш даврида мақом сирларини Коммуна Исмоиловадан, вокал ижросини Асад Азимов, Хайдарали Қосимов каби санъаткорлардан ўрганди.

Ўқишни битириб, мустақил ижод майдонига қадам қўйган Дилфуза Қодирова 1990 йилдан буён Наманган вилоят мусикали драма ва комедия театрида фаолият олиб бормоқда. Актриса шу кунгача "Бог", "Алломиш", "Наманган аллеси", "Сехрли курси", "Лўттибозлар", "Ифлатини асраган аёл", "Ёр исотаб", "Сохибжамол", "Кўрғоли келдим" каби спектаклларда Зайда, Берта, Малика, Зумрад, Сохибжамол, Махваш сингари ранг-баранг



характердаги бош қахрамонлар қиёфасини яратди.

Бастакор Маҳмуд Иномовнинг таъкидлашича, Дилфуза Қодирова "Догман", "Таманно", "Сиз қайдасиз?", "Онажонгинам", "Алам қилсин, алам-о", "Ўзбегим санамлари", "Дема, дема" каби мумтоз ва эстрада йўналишидаги қўшиқлари билан ҳам ўз мухлисларини топган. У Ҳабиба Охунваннинг "Алла"сини унинг ўзидек пардада қуйлай оладиган қўшиқчидир. Устоз хотирасига бағишлаб ўтказилган республика беллашувида ҳам унинг маҳорати эътироф этилди. Наманган телевидениеси орқали намойиш этилган "Тасанно" концерт дастурида жонли ижрода водийлик томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

— Санъатни қадрлайдиган ота-

онам кўмаги билан орзуларини ушладди, — дейди Д.Қодирова. — Ўқидим, яхши устозлардан сабоқ олдим. Касбимни тушунадиган, меҳнаткаш оила-

Вилоят театрларида

га келин бўлдим. Уларнинг мадади билан ўз устимда ишладим, изландим. Яхши роллар орқали халқ эътиборини қозонишга, санъатда ўз ўрнини топишга имкон топдим.

Дарҳақиқат, оила инсондаги маънавий фазилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган табаррук маскандир. Юртимизда оиланинг

мустаҳкамлиги ва аҳиллигини таъминлаб, бахтли ҳаёт кечираётган оилалар жуда кўп. Дилфуза ва Авазбек Қодировлар оиласини шу оилалар қаторига киритиш мумкин. Улар бир даргоҳда таълим олишди. Ўқишни тугатиш арафасида тўйлари бўлиб ўтди. Оилада турли ташвишлар, қийинчиликлар бўлиши табиий. Энг асосийси, қийинчиликларни сабр-қаноат, меҳнат билан енгиб ўтиб, оилада соғлом муҳитни таъминлашдир. Бугун мустаҳкам оила кўрғонига воғга етаётган фарзандлари — Азизбек, Хуршидбек ва Дилфурўзларнинг ҳам санъатга қизиқиши баланд. Келгусида улар ҳам ота-оналари изидан бориб, санъаткор бўлиш учун изланмоқдалар.

Алишер ТУРСУНОВ

"СОЗАНДА"

Соз бағридан отилиб чиққан оҳанглар барчанинг қалбига бирдек етиб боради, бирдек ҳаяжонга солади, завқ бағишлайди, ўйга толдиради.

Не ажабки, дутор, танбур, сато ва рубоб каби созларнинг шакли юрак суратига яқин туради. Не ажабки, ана шу "юрак"дан янграган сирли ва сеҳрли товушлар миллионлаб юракларнинг депсинишига йўғрилиб кетади. Чинакам созанданинг сеҳрли бармоқлари соз бағрида мўъжизалар яратаяди.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган Комил Авазининг "Созанда" романи менда ана шундай фикрлар уйғотди.


Бир вақтлар машҳур инглиз ёзувчиси Сомерсет Мозам ўзининг "Ой тангага ўхшайди" романига мусаввирини, Жек Лондон "Мартин Иден" романига ёзувчинини, Ромен Роллан "Жан Кристоф" романига бастакорни бош қахрамон қилиб олган эди.

Комил ака эса асарига созанда образини танлабди. Бу қувончли ҳол албатта. Зеро, инсон ва замон, вақт ва макон, ҳаётнинг қувончу ташвишлари энг аввало санъаткор қалбига ўз инъикосини топади, уларнинг юрагига туғён солади ва баркамол китоблар, бетиносол мусикалар шаклида дунёга қайтиб келади. Шу сабабли ҳам, Комил аканинг бу асари китобхонларни бефарқ қолдирмайди, деган фикрдаман.

Қолаверса, асардан юртимиз ҳаётига, миллий маданиятимиз босиб ўтган йўлга оид айрим эътиборга молик тарихий воқеа, ҳодисалар ҳам ўрин олганки, улар ўз ўрнида бошқа сюжетларни тўлдиришга, бойитишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан асар жанрини "тарихий-маърифий роман" деб белгилаш тўғрироқ бўлади.

Доимий ҳамроҳ

Эркин УСМОНОВ



СИКСТИН КАПЕЛЛАСИГА — 500 ЙИЛ

Уйғониш даврининг буюк мусаввири Микеланжело Буонарроти ижоди санъат илҳосмандларини ҳайратга солишда давом этмоқда. Айниқса, рассомнинг Сикстин капелласига ишлаган деворий суратлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотаётди. Маълумотларга қараганда ушбу санъат дурдонасини ҳар йили беш миллиондан ортиқ сайёҳлар томоша қилади.

Албатта, Микеланжелонинг мухлислари ортиб бораётгани қувончли ҳол. Бироқ Ватикан музейи раҳбари Антонио Паолуччининг айтишича, экскурсиялар вақтида юзага келадиган турли шовқинлар, уяли алоқа воситалари ҳосил қилувчи товуш тебранишлари Сикстин капелласига жиддий зарар етказмоқда. Тўғри, ҳозирча деворий суратларнинг ташқи кўринишида сезиларли ўзгариш кузатилгани йўқ. Аммо сайёҳатчилар оқими шу зайдда ортиб бораверса, бу салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу сабабли Ватикан музейи мутасаддилари зиёратчилар сони-

ни чеклашга қарор қилди. Бундан ташқари, капелла ҳудудида фотоаппарат, камера каби техник воситалардан фойдаланиш ман этилади. Эслатиб ўтамиз, Сикстин капелласига ишлаган деворий суратлар бу йил роппа-роса беш юз ёшни қаршилади.

ҚАДИМИЙ ИБОДАТХОНА

Индонезиянинг Бали оролида тарихда энг катта ҳинд ибодатхоналардан бири аниқланди. Орол маркази Денпасар шаҳрида қурилиш ишларини олиб борган меъморлар номаълум бино пойдеворида дуч келишган. Тадқиқот натижаларидан сўнг, бу қадимий ибодатхона қолдиқлари экани тасдиқланди.

Бугунги кунда Бали ҳинд маданияти марказларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли бу ерда кўплаб қадимий ибодатхоналарни учратиш мумкин. Бироқ олимларнинг таъкидлашича, бундай катта диний иншоотга илк бора дуч келинган. Ушбу обида тахминан миллодий XIII асрда бунёд этилган бўлиб, Миср эҳромлари сингари



Етти ранг

уни қуришда улкан тош бўлақларидан фойдаланилган.

Айна пайтда оролда қазилма ишлари давом этмоқда. Олимлар ҳозирча ибодатхонанинг бир қисминини тадқиқ этишга муваффақ бўлишди. Шу тўғриси унинг ташқи кўриниши борасида ҳали аниқ мулоҳаза билдириляётгани йўқ. Бир гуруҳ археологлар қадимий обидани қайта тиклаш борасида ҳам тадқиқот олиб бормоқда.


"УЛИСС" ИРЛАНДИЯГА ҚАЙТМОҚДА

XX аср модерн адабиётининг машҳур вакилларида бири Жеймс Жойснинг "Улисс" романи асосида Дублин шаҳрида янги спектакл сахналаштирилди. Тўғри, бир қарашда бу оддий воқеа бўлиб туюлиши мумкин. Чунки Ж.Жойс асарлари асосида нафақат спектакллар, балки кўплаб бадиий филмлар ҳам суратга олинган. Гап шундаки, "Улисс" ёзувчининг ватани Ирландияда илк марта бастакорнинг кўзи билан намойиш этилмоқда.

"Улисс"нинг сахна талқинини яратиш борасида кўплаб уринишлар бўлган. 1994 йили ирланд ёзувчиси Дермонт Болджер роман асосида пьеса ёзиб, уни театр ижодкорларига тақдим этди. Бироқ шу асосда сахналаштирилган спектакл муваффақиятсиз чиқди. Ниҳоят, Глазгонинг Трон театри жамоаси бу ишга қўл уриб, унинг уддасидан чиқди. Ҳозир Дублин "Улисс" спектакли намойиш этилмоқда.

БЕТХОВЕННИНГ НОЁБ МАДҲИЯСИ

Манчестр университетининг профессори Барри Купер буюк немис композитори Людвиг ван Бетховенга тегишли янги асар аниқлаганини расман эълон қилди. "Reuters" ахборот агентлигининг хабар беришича, Бетховен ижоди-



ни ўрганиш билан шуғулланувчи олим узоқ йиллар давомида композиторнинг кўлёмаларини тадқиқ этган. Изланишлар натижа-сида немис бастакорига тегишли кундаликлардан бирида дамли чолғу оркестрига мўлжалланган диний мадҳия парчаси топилди. Дастлаб мутахассислар ушбу асарни қоралама нусхага кўчирилган оддий ижодий машқ сифатида қабул қилишди. Бироқ мазкур му-сикаий парча мумкин бўлган ижодий асар эканини исботлади.

Черков маросимлари учун басталанган асар тахминан 1820 йили яратилган бўлиб, Бетховеннинг ҳомийси Олмоц архиепископи Рудольфга

бағишланган. Кейинчалик мадҳия бошқа ижро қилинмагани туфайли у ҳақда маълумотлар сақланиб қолмаган. Бетховен дамли чолғули мусикаларга кам мурожаат қилганини ҳисобга олганда, бу асарни ноёб излашни намунаси сифатида баҳолаш мумкин, дейди профессор Б.Купер.

ХИТОЙ САНЪАТ БОЗОРИ ЕТАҚИСИ

Хабарингиз бор, ўтган йили Хитой санъат асарлари савдоси билан шуғулланувчи энг йирик мамлакат сифатида эътироф этилди. Бу борада хитойликлар АКШ ва британиялик ҳамкасбларини ҳам орта қолдиришга эришган. Эндиликда хитой аукционлари бу мавқени сақлаб қолиш ҳаракатида тушган. Бу ҳақда сентябр ойида Пекин шаҳрида ўтказилган маданият ва санъат индустриясини ривожлантириш халқаро форуми чоғида ҳам сўз юритилди.

Шу мақсадда Пекин маданият бошқармаси қалбаки санъат асарларига қарши кураш учун махсус лойиҳа ишлаб чиқди. Эътиборли жиҳати, санъат асарлари савдоси тарихида ҳали бундай ишга қўл урилмаган. Лойиҳага кўра қалбаки асарларга қарши уч босқичда кураш олиб борилади ва ноқонуний аукцион ҳамда савдоларга бутунлай чек қўйилади. Мамлакат ҳудудидаги барча аукционларда сақланаётган санъат асарлари рўйхатга олинган, улар ҳақида маълумот махсус электрон дастурга киритилади.

АМСТЕРДАМ МУЗЕЙИНИНГ ЯНГИ ЛОЙИҲАСИ

Дунёдаги энг йирик музейлардан бири Амстердам давлат музейи мухлисларига янги совға ҳозирлади. Энди ушбу масканга таширғи буюриш имкониятига эга бўлмаган томошабинлар "Rijks Studio" деб номланган махсус электрон хизматдан фойдаланишлари мумкин.

"Rijks Studio" ҳозирги пайтда интернет тизимида кенг тарқалган одадий электрон дастурлардан фарқ қилади. Унга музей фондидан ўрин олган 125 мингдан ортиқ санъат на-



муналари киритилган бўлиб, хизмат онлайн шаклда амалга оширилади. Мазкур хизматнинг яна бир қулайлик жиҳати, унда тақдим этилган санъат асарларини томошабинлар ўз хоҳишига кўра ўзгартириш, янги қўшимчалар билан бойитиш имконига эга. Бундан ташқари, фойдаланувчилар электрон хизмат орқали ўз ижод намуналарини ҳам намойиш этишлари мумкин.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

ЖИДДИЙ ОДАМНИНГ КУЛГИСИ

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, танлиқли журналист Солих Ёқубовнинг "Яхшилар ёрлар менга", "Озод юртининг озод фарзанди", "Юрак сирлоши" ва бошқа публицистик китоблари, очерк ва ҳажвиялари кўччиликка яхши маълум. Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти унинг "Ярашмаган яқин" деб номланган китобини босмадан чиқарди. Турли йилларда Ёқубов ҳажвий ҳикоялардан таркиб топган китобга танлиқли шоир Темур Убайдулло масъул муҳаррирлик қилган ва "Жиддий одамнинг кулгиси" сарлавҳали сўнгсиз ёзган. Куйида ушбу китобдан жой олган айрим ҳажвиялар билан танишасиз.



Турсунович латифасини тугатди. Нусратбек кулгидан ўзини тўхтатолмай бошлиққа аста юзланди:

— Қойил, қойил. Умрим бино бўлиб бунақа оҳори тўқилмаган латифа эшитмаган, маза қилиб кулмаган эдим, — дея, хушомад ила хонадан чиқиб кетди.

Хонасига кирганда ҳамхоналари унга хавотирли боқибди:

— Ха, Нусратбек, тинчликми? Даки базм бўлдими?

— Нима бўларди, тинчлик, — деди хотиржам. — Янгисидан айтиб бердилар. — Яқин бўлганда ҳам қанақа денг, ўзим айтган латифани обдон бузиб айтди: на боши, на кети йўқ. Буни бошқадан эшитганда ўлай агар, йўқлардим. Лекин, начора, бугега хўжайинчилик, бор маҳорати ишга солиб кулишдан бошқа чорам қолмади.

Қодиржоннинг қитмирилиги тутиб:

— Аха, гап келганда отангни ҳам аяма, деган нақл бор. Мабодо хушомадгўйлик бўйича танлов ўтказилса, сиз албатта голиб бўлардингиз.

— Нима демоқчисиз? Хўш, сиз менин ўрнимда бўлганингнизида нима қилардингиз? Ўзингизни қитқлаб бўлсам қулишга мажбур бўлардингиз-да.

Хуллас, ҳамхоналар Нусратбекнинг урдабуронлигига қойил қолишди. У эса:

— Нима бўлса бўлди. Янгисидан эшитасизларми? — деб, бошқа бир латифани бошлаб юборди.

Бу пайт Назокатон Тоир Турсуновичнинг топшириги билан кулгининг қадрига етадиган Нусратбекка йўлнамас сўраб қурортлар бошқармасига кўчма қиларди...

Зокир Қодирович ақлли, обрўли одам. Лекин у хотини Гулбахорнинг доим куюниб айтадиган «Хозир одамлар оёғи билан эмас, тили билан юради», деган гапини бир ўзимда синаб кўрай деб фаройиб «эксперимент»га қўл урди. Яқинба кунни дўсти Олимбекниқидиғи зиёфатда бўлиб қайтаркан, уйига юз кадамча етмай хизмат машинасига жавоб бериб юборди.

У ўнг қўлини каттагина доғ теккан қўйлагининг устига қўйиб қўчанин ўртасидан аста юриб келаверди. Йўлда учраган каттаю кичик бундай қўли кўксига бўлган кам-

ФАРОЙИБ СИНОВ

тар ва камсуқум йўловчининг саломига жавоб қайтарганча унга хайратланиб қарашарди.

Кўча бурчағидиғи чойхонада ошхўрлигу бошқаларни ғийбат қилишга устаси фаранг бекорчиларнинг кўзи Зокир Қодировичга тушдию бир-бирларига қараб «сайраш»га тушдилар:

— Буриовой, қўшингиз пиёда юрадиған бўлиб қолибдиларми, — дея таажуб билдирди Эшмат писмиқ айёрона тиржайиб.

Гапни ҳафсала билан газак тайёрлаётган Бадриддин илиб кетди:

— Менимча, Зокирга бир нараса бўлган. Доим костюм-шимда юрарди. Ие, бўйинбоғи ҳам йўқ-ку. Ёки ишдан кетдимикан? Бундан баттар бўлсин. Кейинги пайтда димоғи кўтариллиб қолганди.

— Гапингизга юз фоиз қўшиламан, Бадривой, — дея унинг сўзини маъқулаган бўлди Сафарул. — «Бир балоси бўлмаса шудорда қуйруқ на қилур», деган нақл бекорга айтилмаган. Хомушлиғидан, оёқларини босишдан билингки, паттасини қўлига тутқазашинга ўхшайди.

— Мен сизларга неча марта айтганман — тобутнинг, амал курсисининг эгаси бўлмайди деб. Мана, ўзимиз шохид бўлиб туриб-

миз, Зокирнинг амалидан айрилган бор гап, — деди Мансур мўйлов. Хуллас, ўтирганларнинг бири у деди, бири — бу. Лекин Зокир Қодирович ҳамон қўли кўксига, ўтган-кетганлар билан бошини лиқиллатиб саломлашган қўйи йўлида давом этарди...

Ниҳоят, у дарвозаси олдиға яқинлашаркан, хотини Гулбахорнинг қўшини аёллар билан нималарнидир тортишиб турганга қўзи тушди. Гулбахор эрининг қўли кўксига, пиёда келатганини кўриб юраги «шиғ» этди. «Тинчликмикан», деган савол миясига урилди. Зокир Қодирович мийиғидиғи майин табасум қилиб қўшини аёллар билан сўрашди.

— Тинчликми, дадажониси, нега уйиға пиёда келаясиз? — хавотирланиб сўради аёли.

— Тинчлик, онажониси, тинчлик. Сен доим «Хозир одамлар оёғи билан эмас, тили билан юради», дер эдинг. Сенингу шу сўзингни бир синаб кўрай дедим. Кўчамиз бугун худди байрамдағидек гавжум...

— Ҳазилингиз курмасин-а, адажониси. Эсимни чиқариб юбордингиз, — деди қилиб Гулбахор. — Уйиға пиёда келатганингизни кўрган қўшини аёлларнинг хаёлиға нималар келмади, дейсиз. Ҳамма сизни лавозимдан кетибди, деган уйиға боргани аниқ. Ха, айтгандек, махалла эркакларни ҳам шу алфозда кўришди ми сизни?

— Қўришган бўлса нима қилибди, хотин. Оғиз ўларники, нима деса даявермишин. Ахир, бизнинг қанақалиғимизни ҳамма билади-ку!

— Экспериментингиз ҳам бор бўлсин, энди дув-дув гапдан бошингиз чиқмайди.

Чиндан ҳам эртасига маҳаллада Зокир Қодировичнинг қўлини кўксига қўйиб, маҳалланиннг каттаю кичиғиға салом бераётган, ишга пиёда бориб-келатгани роса гап бўлди. Зокир Қодирович эса экспериментини давом эттириб, шохқўчада уни қўлиб турадиган хизмат машинасига га пиёда чиқадиған бўлди...

АНТАРКТИДА ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Сайёраимиз жанубидаги олтинчи қитъа — Антарктида кашф этилганига 190 йилдан ошди. Бироқ унинг юзасини қоплаган муз қатламлари тағдиғи сирлар ханузгача очилгани йўқ. Баъзилар "муз пўстин" сирли хаёт манзараларини ашириб ётибди деб ҳисобласа, бошқалар Ернинг пайдо бўлишиға билан боғлиқ саволларға шу жойдан жавоб олиш мумкин, дейди. Ёзувчи ва тарихчи Кейстут Зақоревский тахминни қўра, Антарктида коинот миқёсида рўй берган улкан ҳалокат натижасида юзаға келган.

— Антарктидадаги вулдуға келиши фавқуллода сирли ва ажойиб ҳодисалар, — дейди К. Зақоревский. — Олимпларнинг қачонлардир Ерда Гондвана деган яғона суперконтинент бўлганиға доир тахминни илғари сурганиға анча бўлди. Бу яғона қитъа амалда Жанубий ярим шардағи барча қуруқликни бирлаштирган. У 750-530 млн. йил муқаддам мавжуд бўлган. Хўш, бу қитъа қайққа қўйиб бўлган? Яғона суперконтинентнинг парчаланиб кетишини фақат коинот миқёсидағи йирик фалокатларға келтириб чиқариши мумкинми? Геологлар кўп минг йиллар аввал уммонлар сатҳи бир неча метрға кўтарилган, деган фикрни айтиб келишади. Сайёраға бунча кўп миқдордағи сув қайқдан келган? Коинотдан. Баъзан бир неча куб километр ҳажмдағи муз комета — "учувчи айсберг"лар Ер орбитасини кесиб ўтиб қолади. Улар сайёра юзасини ўйиб кирган, эрий бошлайди ва ҳосил бўлган сув уммонлар сатҳини кўтаради. Тахмин қилиш мумкинки, шундай "айсберг"лардан бири Ерга келиб урилиб, инсон томонидан ўзлаштирилган Қора денгиз бўйи, Аляскадағи Беренгия, Чукотка ва бошқа жойларнинг соҳилларини сув остида қолдирган.

Астрономия фани юлдузлар "туғилади", "яшайди" ва "ўлади", дея таъриф беради. Агар "ўлган" юлдузнинг бирор сайёраси бўлса, у коинот узра ўзиға янги юлдуз тизимларини ахтаради. Тақдир ҳукмиға ҳавола этилган бу сайёра янги юлдуз туркумини топса ҳам дархол унинг орбитасида айлана олмайди, балки уни бир неча бор кесиб ўтишиға тўғри келади. Тасавур қилинганки, Ер курраси ёнидан мана шундай "тақдир ноаник" сайёра, дейлик Нептун (унинг массаси Ерникидан 17,2 баробар катта) учиб ўтапти. Бу Ерга тасвир кўрсатади ми? Кўрсатганда ҳам қандай! Асло уни яхшиликка йўйиб бўлмайди. Олимплар тахминича, Нептун сайёраси 12 500 йил муқаддам Марс ва Юпитер орасидан ўтаётди, йўлидағи бутун бир планетани парчалаб (ўша планета парчалари "учувчи айсберг"ларға айланган) юборган. Нептун Марс сайёраси ёнидан учиб ўтаётганда Марснинг юзасида узунлиғи миң километрни дара (каньон) ҳосил бўлган (яъни ўзаро тортишиш оқибатида Нептун Марснинг шунча қисмини "юлиб" кетган). Нептун Ерга яқинлашганда ҳам шундай ҳол рўй берган. Яъни у хозирги Тинч океани ўрнидан Ернинг бутун бир қобини кўпориб кетган бўлиши керак. Ой ана шу Нептун "кўпорган" қобикдан ҳосил бўлган, деган назария мавжуд. Бироқ Ердан кўпорилган қобикнинг ҳаммаси коинот қаъриға учиб кетмаган, унинг бир қисми Ернинг ички қайишқоқ қобиги таъсирида "айланиб, буралиб қолган". Бунинг оқибатида Годвана суперконтиненти бўлақларға бўлиниб, Жанубий қутб кенгликлариди Антарктида ҳосил бўлган.

Аста-секин Антарктидани муз қатламлари қоплаган. Тақдирчиларнинг далиллашларича, унинг юзасида хаёт мавжуд бўлган. Айнан Жанубий қутбдан 520 километр масофада совуққа бардошсиз бўлган қадимги тинсохонинг бош суяғи топилган ҳам бежиз эмас. Баъзи манбаларда инсоният айрим билимларни тайёр ҳолда олган, деган ишоралар мавжуд. Хўш, қаердан олган бўлиши мумкин? Эҳтимол, қачонлардир мавжуд бўлган ривожланган тамаддулардандир. Улар қаерда? Эҳтимол, Антарктида худудида бир вақтлар шундай тамадду бўлганимикан? Ҳозирча бунни юз фоиз тасдиқлаш қийин. Негаки, барча далиллар муз остида ётибди. Уларни қазиб олиш эса осон эмас, боз устиға жуда қimmat. Антарктида Ернинг жаннатмакон бурчағи — собиқ Атлантида эканлиғиға доир гап-сўзлар тарқатганиға анча бўлди. Бу гоёни дастлаб Платон айтган: йўқолган жаннатмакон худудинг ҳажми (30 000 га 20 000 босқич — бир босқич 185 километрга тенг) Антарктида ўлчамларига мувофиқ келаркан. Бинобарин, икки аср муқаддам турк адмирали Пири Рейнснинг 1513 йили тузилган харитаси топилган эди. Унда Антарктида юзаси муз қопламасиз кўринишда тасвирланган. Рейнс бу харитани тузишда қадимги ионон манбаларига таяниб иш кўрганини таъкидлаган.

Атлантида ҳақидағи мана шу назарияға асосланиб, Гитлер ҳам Жанубий қутбға бир неча бор экспедиция жўнатган, деган маълумотлар бор. Немис сув ости флоти адмирали Деницинг у ерда: "Ернинг жаннатини" топганиға доир билдирган фикри эса қуруқ сафсата, холос. Негаки, Қутб геофизика институтини йўлнамаси билан шимоллий кенгликларда, хусусан, Нарьян Мар атрофидағи худудларда хизмат сафариди бўлганларнинг айтишича, бу жойларнинг об-ҳавосига ҳамма ҳам дош беролмайди. Антарктида эса совуқ ёзда 25, қишда 80 даражадан ошади. Немисларнинг "Мессершмитт-109"лари бундай совуққа уца олмайди. Америка ва собиқ шўро даври учувчи ва мутахассислари шу худуддағи қандайдир жойға эғалик қилиш бўйича ўзаро зиддиятда бўлганиға доир хозиргача сир тутиб келинаётган маълумотларға эса ишонши мумкин. Нима бўлганда ҳам Жанубий Қутб музлиғи остидағи Восток қўлини жиддий ўрганиш давом этаётган экан, унинг натижалари музқитъа сирларидан айримларини ошкор этишиға шубҳа йўқ.

«АиФ»нинг 42-сонидан.



СОЛИХ ЁҚУБОВ "ЭНГ ЗЎР" ЛАТИФА

Бошлиқ кўнғироқ қилганда жиринглайдиган, ходимлар унга «соқов» деб ном қўйган телефон «сайраганда» хонадагилар бир-бириға хавотирланиб қарашди. Ранги қув ўчган Нусратбек телефон гўшагини аста кўтарди. Қабулхона котибасининг овози эшитилди:

— Сизни Тоир Турсунович сўраптилар. Зудлик билан хузурлариға қирар экансиз.

Кўрувдан қўларни қалтирган Нусратбек ҳамхоналарига юзланиб сўради:

— Кечағи зиёфат пайти, кейф устида бирор ноҳўй гап айтмадимми? Эй Худо, ўзинг асрагин.

Одатдағидек пардоз-андозини жойиға қўйган Назокатон бошлиқнинг кейфийати аёло эканини айтганда кейин Нусратбекнинг юзига қизиллик югурди.

— Ассалому алайкум, мумкинми хўжайин, йўқлаган экансиз. Хўжайиннинг одати шундай: кейфийати яхши бўлганда ҳаммани «хон»лаб қолади, кейфийати худфтон бўлиб турганда эса фамилиясиниғина айтади. Йўқ,

хайтовур котиба айтганидек, бугун кейфийати яхши экан. Шу боис режа бўлими ходимидан:

— Кейфийатлар яхшими, Нусратхон? Сизни йўқлаганим сабаби, қачон дам олишға чиқмоқчи эдингиз? — деб сўради.

— Энди сиз қачон десангиз шу кундан-да, хўжайин.

— Яна бир гап. Кечағи зиёфат қандай бўлди, ҳамма хурсандими?

— Хурсанд бўлганда қандоқ, ўзингиз бош бўлган ҳар қандай иш аёло бўлади-да. Ходимларға топширган совғаларингизға эса гап йўқ. Келингиңиз ҳам совғани уйнинг кўзға ярқ этиб кўринадиған ериға жойлаб қўйди.

— Унда яхши, Нусратхон, — деди Тоир Турсунович. Сўнг ўрнидан туриб, хонаниннг кўча томонға қараган деразаси олдиға келди-да:

— Янгисидан бор, эшитасизми? — дея узундан узоқ латифани бошлади.

Нусратбек хўжайиннинг ҳар бир сўзини бутун аъзоси кулоқ бўлиб эшитар, икки тиззасига қўлини шапатилаб тинимсиз қуларди. Ниҳоят Тоир

"ТЕАТР" 2012 йил, 5-сон

"Театр" журналининг навбатдағи сони юртимиз мустақиллигининг йиғирма бир йиллиғиға бағишланган. Журналнинг илк саҳифалари мамлакатимиз Президентининг мустақилликка бағишланган тантанали маросимдағи табрик сўзи билан бошланади.

Ушбу сонда ўқувчилар эътибориға бир қатор таҳлилий мақолалар



Журналларни варақлаганас

ёшлар ижодиёти" номли мақоласи яна бир санъат анжумани "Дебют-2012" ёш режиссёрлар кўриғида голиб бўлган "Искандар" моноспектаклиға бағишланган. Мутахассис мақола давомидида спектакл таҳлилий билан чекланмай, Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достони, унинг саҳнавий талқинидағи ўзига хосликлар борасида фикр билдиради. "Яхшилар ёди"

Хажвиялар

Хажвиялар

Раимиз ВАЛИЕВ

руқнида эса Марям Ёқубованиннг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ҳақидағи хотираларини эълон қилинган. Журналнинг мазкур сониди Гулбахор Йўлдушова, Зейдулла Бозоров сингари санъаткорлар билан уюштирилган суҳбатлар, Эркин Усмоновнинг "Саҳнадағи синоат", Абдуллаҳон Бегматовнинг "Актёр ниҳогий", Ҳамдам Исмаиловнинг "Санъатға муҳаббат" номли мақола ва тадиқотлари ҳам ўрин олган.

ҲИСОБОТ КЎРГАЗМАСИ

Журьят Раҳмонов кўп йиллардан буён Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшиб келатган, ўз услуби, ўзига хос йўналишға эға мусаввирдан бири.

Кунни кеча пойтахтимиздағи Либослар галереясининг миллий санъат маркази зали-

да мусаввирнинг навбатдағи кўргазмаси очилди. Унда муаллифнинг рангтаасвирға доир асарлари намойиш этилмоқда.

Журьят Раҳмоновни том маънода инсон руҳияти тадиқотчиси, дейиш мумкин.

Кўргазма залларида

Мусаввир манзарали портретларида нафақат инсоннинг ташқи қиёфасини, балки нигоҳлари орқали ички дунёсини ҳам очиб беради. "Мақом", "Биз ёлғиз эмасмиз", "Азизим", "Уч гўзал", "Лаҳзалар" каби манзаралар шулар жумласидан. Ҳар бир асариди мавзу ўзига муносиб рангларда ечим топган. Ортика эзоб берилмаган манзараларда миллий анъаналаримиз ҳаққоний тасвирланган. Мусаввирнинг аёлларға қиёслаб яратган баҳор, ёз, куз, қишға бағишланган ишлари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Хилола АБДУРАҲМОНОВА

"ЕР-ЁР" ОҲАНГАРИ

Намангандағи Алишер Навоий номидағи вилоят мусиқали драма ва комедия театрида фольклор санъати фидойиси Бўстонхон Пошшаева хотирасига бағишланган адабий-мусиқий тадбир бўлиб ўтди. Бўстонхон Пошшаева бутун умрини халқимизнинг қадимий қўшиқлари, рақслари, лапарлари, маросим ва удумларини ўрганиш ва уни тарғиб этишға бағишлаган. Унинг ташаббуси билан Наманган шаҳар маданият уйи қошида "Ер-ёр" фольклор-этнографик ансамбли ташкил этилган. Мазкур жамоа репертуаридан "Оқ ойдин — оплоқ ойдин", "Кўрмайин босдим тиконини", "Наманганча ёр-ёр", "Омонёр", "Дейдиё" каби қўшиқлар ҳамон янраб туради.

Маданият ва спорт ишлари вазириғи Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методиқ маркази, "Тасвирий ойина" ижодий уюмаси ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлиғида ташкил этилган хотира кечасида Бўстонхон Пошшаеваниннг миллий қадриятларимизни ўрганиш ва тарғиб этишға қўшган ҳиссаси ҳақида сўз борди.

"Ер-ёр" дастурида "Зилон", "Қўқон ёр-ёри" фольклор-этнографик халқ ансамбллари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳристон Абдуллаева, хонанда Хамид Маллабоев қатнашди.

М.КОЗОҚБОВ

Маданий ҳаёт

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат ароби, профессор Ф.М.Янов-Яновскийнинг муаллифлик кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли бастакорнинг сўнги икки йил ичиди ёзган мусиқий асарлари "Омнибус" ансамбли ижросида тақдим этилди.

Концерт дастурида виолончел ва фортепиано учун ёзилган "Соната", гобой ва ногора чолғу асбоблари учун ёзилган "Куз нафаси" ва овоз ҳамда вибратрон учун ёзилган "Куз садоси", торли каварет учун "Состенуто" каби асарлари тингловчилар эътибориға ҳавола этилди.

"Туркистон-пресс"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси

Ихтиёр РИЗОНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ректорати "Педагогика ва психология" кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди Зебо Қосимоваға волидаи муҳтарамаси

Ўқутхон ая ҚОСИМОВАнинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳори этади.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазириғи Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини бўш (вакант) ўринларға кафедралар бўйича кафедра мудири, катта ўқитувчи лавозиларига танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун қўйидағи ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ректор номиға ариза.
2. Ишловчининг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидағи диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган бўлиши керак).
6. Малака оширганлиғи тўғрисидағи гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомиди қабул қилинади.

Манзил: Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 255-88-17, 255-16-08.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

ЖУМА КУНАЛИ ЧИҚАДИ. СОҒУВДА НАРҲИ ЭРКИН. ISSN 2181-614X